

ЧЎЛПОННИНГ ТУҒИЛГАН ЙИЛИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Дилмурод ҚУРОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор
Андижон давлат университети
kuronov@rambler.ru

“Ёшлик” журналининг 1987 йил 10-сонида Чўлпон шеърларидан намуналар чоп қилиниб, “Адабий мерос” рукнидаги жами икки саҳифалик жажжи сайланмага профессор О. Шарафиддиновнинг мақоласи илова қилинган. Бу мақола муҳофаза – “страховка” мақсадига қаратилган бўлиб, унда Чўлпон ҳақида қисқача биографик маълумот берилган. Унда “Чўлпон 1883 йилда Андижонда савдогар оиласида туғилган” (9), дейилади.

1988 йили “Кеча ва кундуз”нинг “Шарқ юлдузи”даги қайта нашрига ёзилган кириш сўзида эса О. Шарафиддинов Чўлпоннинг “ижоди Октябрь революциясидан олдин – 1913 йилда бошланган эди. У биринчи асарларини эълон қилганида 20 ёшга тўлган, ёш бўлса-да анча мукамал билимга эга бўлган бир йигит эди” (10, 58), деб ёзади. Ҳисоблаб кўрилса, бундан энди 1893 йил келиб чиқади.

1991 йили чоп этилган Чўлпоннинг “Яна олдим созимни” тўпламига ёзган сўз бошида О. Шарафиддинов “Сўнгги йилларда пайдо бўлган мақолаларда Чўлпоннинг туғилган йили 1883, 1893, 1896, 1897, 1898 йиллар деб ҳар хил кўрсатилади” (8, 5-18), деб ёзади. Сўнг шоирнинг синглиси Фойиқа Сулаймон қизи акасининг туғилган йили деб 1898 йилни кўрсатганини “анча ишонарли” деб баҳолагани ҳолда, “ҳозирча мен Чўлпоннинг таваллуд йилини 1897 йил деб белгилаш тарафдориман, чунки бу сана 1934 йилда, яъни Чўлпон ҳаётлик вақтида нашр этилган Катта Совет Қомусининг 61-жилдида (684-саҳифада) келтирилган” (8) деб ёзади. Бу хулосага келишга асослар: 1) қомус мақоласини рус адиби В. Ян ёзган, у Чўлпон билан дўстона алоқада бўлиб, ижодий ҳамкорлик ҳам қилган; 2) у “Қомуснинг буюртмаси билан Чўлпон ҳақидаги мақоласини шоирнинг ўзидан тасдиқлатиб олган” (8).

Нашр маълумотларида “Яна олдим созимни” тўпламининг босмаҳонага 1990 йилнинг 28 феввалида берилгани қайд этилган. Бунгача кўлёзма маълум вақт нашриётда бўлганини эътиборга олсак, О. Шарафиддинов сўз бошини 1989 йил охирларида ёзгани ҳақиқатга яқин. Худди шу йили нашр қилинган “Баҳорни соғиндим” тўплами босмаҳонага 1988 йил 9 августда берилган, яъни нашрга тайёрлаш, жумладан, И. Ҳаққулнинг тўпламга сўзбоши ёзиши (шўро цензурасининг ҳар турли тўсиқлари ҳисобга олинмаганда ҳам) тахминан 1988 йил бошларига тўғри келади. Сўзбошида Чўлпоннинг туғилган йили 1893 йил (7, 3-10) деб қайд этилган. Босмаҳонага 1990 йил 5 июлда берилган “Фидойилар”

тўпламидан жой олган Э. Каримов мақоласида Чўлпон 1897 (4, 17-23) йилда туғилган деб ёзилган.

Чўлпоннинг туғилган йили сифатида 1897 йилни кўрсатиш 1989 йил охирлари – 1990 йилга келиб бошланди, бунга қадар эса кўпроқ 1893 йил кўрсатилган. Бу ҳол, тахминимизча, иккита сабаб билан изоҳланиши мумкин: 1) шу вақтга қадар юқорида эслатилган Қомусдаги маълумот мутахассислар эътиборидан четда қолиб келган; 2) шу вақтга келибгина мутахассислардан бир нечаларига бунгача “махфий” тамғаси остида сақланган архив материаллари билан танишишга имкон берилган.

Қачондан бошлаб ва нима асосда Чўлпоннинг туғилган йили 1893 йил деб кўрсатила бошлангани ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Ҳозирча бу ҳол 60-йиллардан бошлаб кузатила бошланганинигина айтиш мумкин. М. Зокиров тайёрлаган “Тирик сатрлар” (1967) тўплами, “Катта совет энциклопедияси”нинг 29-жилди (1978), “Ўзбек совет энциклопедияси”нинг 12-жилди (1979)да, “Қисқача адабиёт энциклопедияси”нинг 8-жилди (1975), Б. Қосимовнинг “Излай-излай топганим” (1983) монографияси каби кўплаб манбаларда 1893 йил санаси кўрсатилган. Ушбу сана маълум даражада “расмий” манба саналувчи энциклопедиялардан жой олгани унинг “расмий маълумот” экани, тегишли идоралар маъқуллаган, эҳтимол, тақдим этган маълумот деб тушунишга изн беради. Шоирнинг вафот санаси мазкур нашрларнинг деярли барчасида 1939 йил деб кўрсатилганки, бу ҳам маълумотнинг “расмий”лиги ҳақидаги фикрларимизни қувватлайди.

Хуллас, шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш – реабилитация жараёнлари бошланган вақтдан бошлаб Чўлпоннинг ҳаёти ва ижодий фаолияти 1893-1939 йилларда кечган, деган маълумот бешак қабул қилинди. Шу сабабли орадан йигирма йиллар ўтиб, ошкоралик йиллари – шоирни оқлаш йўлида илк қадамлар қўйилганида ҳам, то Чўлпон ҳаёти ва ижодини ҳужжатли асосда ўрганиш бошлангунга қадар, табиий тарзда шу маълумот тўғри деб ҳисобланди.

1988 йил 17 июнда Андижон вилоятининг бош наشري – “Коммунист” газетасида Чўлпоннинг жияни Ўктам Мирзахўжаевнинг “Шоир хонадони бисотидан” номли мақоласи эълон қилинди. Унда муаллиф онаси – Чўлпоннинг синглиси Фойиқа Сулаймон қизи тилидан “Чўлпон 1898 йилда туғилган, унинг йили сак – ит бўлган... Андижон зилзиласи пайтида (1902) ... тоғанг тўрт яшар бола экан” деган маълумот келтирилади. Мақолада Чўлпоннинг таваллуд санаси масаласи алоҳида урғуланган. Бу бежиз эмас. Зеро, ҳали 1987-1988 йиллар эди: Чўлпон “истиклолни уйғотган шоир” сифатида эмас, “қийинчилик билан бўлса-да инқилобнинг моҳиятини тўғри англай олган ва шўро мавқеига ўтган” ижодкор сифатида сафга қайтаётган эди. Мақола муаллифи – кўп вақт вилоят партия қўмитасининг ташқвиқот бўлимини бошқарган, сиёсий жиҳатдан ғоят хушёр, бу

борадаги кў-ўп “нозик” жиҳатлардан бохабар киши – чамаси, В.Ян ёзган энциклопедия мақоласидан беҳабар, ҳатто шоирнинг яқинларида ҳам бирор ҳужжат бўлмаган бир пайтда Чўлпон 1893 йилда ё О. Шарафиддинов кўрсатганидек 1883 йилда эмас, 1898 йилда туғилган деган қарашни оммалаштириш, илмда “пропискадан ўтказиш”га астойдил киришган эди. Сабаби, 1917 йилда 19-20 ёшда бўлган йигитчанинг Октябрь инқилобини “*қабул қилолмагани*” билан 23-24 ёшли одамнинг “*қабул қилмагани*” орасида фарқ еру осмонча эканини жуда яхши билган. Мақола муаллифи мавжуд шароитда тўғри йўл тутган: тоғасининг тўла оқланишини, йигирма йиллар аввал бўлганидек “граждан сифатида оқланиб, ижодкор сифатида оқланмади” қабилидаги ҳолат бўлмаслигини истаган ва шунга мувофиқ ҳаракат қилган. Хуллас, иш ўнгдан келиб, домла кўтарган муаммо бир йилга бориб-бормаёқ ҳал бўлди: ҳужжатлар топилиб, илмий муомалага киритилди, Чўлпоннинг туғилган йили 1897 йил дея эътироф этилди. Шоирнинг яқинларини ҳам бу сана қаноатлантирди, ҳар ҳолда, ҳеч бир эътироз бўлмади. Кўп ўтмай, 1997 йилда ҳукумат қарори билан Чўлпоннинг 100 йиллиги, 2007 йилда эса 110 йиллиги нишонланди, дарслик ва кўлланмалар, умуман, барча нашрларда шу сана қайд этиладиган бўлди.

2016 йил охирларидан бошлаб Чўлпон жамғармаси раиси – шоирнинг жияни Х.Мирзахўжаев Чўлпоннинг 120 йиллик таваллуд тўйини муносиб нишонлаш ҳаракатига тушди. Бироқ шоирнинг таваллуд санаси “*расмий манбаларда, чунончи, Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида 1898 йил деб белгилангани*” рўқач қилиниб, 2017 йилда ушбу тадбир нишонланмади.

Ўзбекистон Миллий энциклопедияси учун Чўлпон ҳақидаги мақола эса устоз Н. Каримов томонидан ёзилган ва унда шоирнинг таваллуд санаси 1898 йил деб кўрсатилган. Н. Каримов ҳам илгари Чўлпон 1897 йилда туғилганини қайд этган. 1991 йилда чоп қилинган “Чўлпон” рисоласида Чўлпоннинг синглиси Фойика ая ҳамда замондоши шоир Улфат айтган маълумотдан хабардор бўлгани ҳолда олим “Чўлпон В.Ян билан қилган суҳбатида ҳам, НКВД қамокхонасида махсус анкеталарни тўлдирганида ҳам ўзининг 1897 йилда туғилганини тасдиқлайдики, бу сўнгги сана бевосита Чўлпон томонидан айтилганлиги ва ёзиб қолдирилганлиги туфайли биз учун мўътабар маълумот бўлиб қолади”(3) – деб таъкидлаган. “Водийнома” журналининг 2018 йил 1-сонига “Чўлпон қачон туғилган?” номли мақолага қараганда, яқин йилларда топилган янги маълумот йўқ. Ундай бўлса, олим Чўлпоннинг таваллуд санасини ўзгартирганида қандай асосларга таянади? Шу асосларни аниқлаб, ҳар бирига навбати билан алоҳида тўхталиб ўтамыз.

Биринчиси. “Чўлпон” маърифий романининг илк фасли “Зилзила” деб номлангани, гапнинг 1902 йил Андижон зилзиласи тасвиридан бошлангани бежиз эмас: муаллифнинг шоир туғилган сана масаласидаги қарашини ўзгарган.

Яъни, агар 1991 йилда Фойика аянинг хотираси шунчаки маълумот учун қабул қилибгина қўйилган бўлса, энди асос қилиб олинмоқда. Ҳолбуки, маълумот ўзгаргани, яъни унга янги тафсилот қўшилгани йўқ, унга муносабат ўзгарди. холос. Бундай ўзгаришга сабабини эса Н. Каримов қуйидагича изоҳлайди: “паспорт олиш расм бўлган 20-йиллар охири 30-йилларнинг бошларида кишиларнинг нафақат туғилган санаси, ҳатто исм-шарифини ёзишда ҳам қўпол хатоликларга йўл қўйилган. Шунинг учун ҳам кексалар, паспортдаги маълумотдан кўра, мучалга кўпроқ ишонч билдиришган”(2). Бизнингча, бу ерда гап кўпроқ илгарилари таваллуд санасининг аниқлигига ҳозиргидек катта аҳамият берилмаганида. Катталар болани туғруқхоналарда дунёга келтириш қатъий қоидага айланиб, туғруқхонадан берилган маълумотнома асосидагина “метрика” – туғилганлик ҳақида гувоҳнома бериш йўлга қўйилмагунича деярли ҳамма тавваллуд саналари тахминлаб (мучали асосида, бирон воқеага боғлаб, бўй-бастига қараб ва бошқалар) ёзилганини айтишади. Албатта, бу гаплар кенг оммага тааллуқли, зиёлилар бундан истисно қилиниши лозим. Хусусан, ўқимишли, бунинг устига русча таҳсил ҳам олган Чўлпон туғилган санасини имкон қадар аниқ билишга ҳаракат қилмаган бўлиши, бизнингча, мумкин эмас. Дарвоқе, 1926 йили чоп қилинган ишчи-деҳқон календаридида бир саҳифанинг ярми Чўлпонга ажратилиб, сурати билан қисқача биографик маълумот берилган. Унда, жумладан: “Чўлпоннинг оти Абдулҳамид, отаси Сулаймонқул. Чўлпон 1897 йил Андижон шаҳрида туғилган”, – дейилади. Аён бўляптики, Чўлпоннинг нафақат 1936 йили берилган паспортида, балки ундан ўн йил илгариги манбада ҳам таваллуд санаси 1897 йил деб кўрсатилган. Демак, Чўлпон таваллуд санасини шу деб билган ё шуни қабул қилган. Шунақа экан, орадан шунча вақт ўтгандан кейин ҳам “синглиси бундай деган эди”ни асос қилган ҳолда уни ўзгартиришга зарурат бормикан? Бизнингча, йўқ, Чўлпоннинг ўзи тасдиқлаган сана илмда ҳам эътиборли саналиши керак.

Фойика аянинг хотирасида иккита таянч нуқта бор: 1) акаси зилзала вақтида тўрт ёшда эди; 2) акасининг мучали ит (сак) бўлган. Буларни у онасининг гапларига таяниб айтади. Маълумки, элимизда таваллуд вақтини ёзма қайд этиш одати бўлган эмас, буни мучал ёки бирор-бир аҳамиятли воқеа-ҳодисага боғлаб аниқлаш одат қилинган. Ҳар икки ҳолда ҳам сана тақрибан аниқланган, бир йил-ярим йил олдинга ё ортга сурилиши одатий ҳол бўлган. Бу ҳақда Ҳ. Мирзахўжаев ҳам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси номига ёзган хатида тўхталган: “Марҳума онамиз акасининг мучали “сак”лигини айтган бўлса ҳам, илгарилари йил ҳисобидаги фарқлар сабаб мучал масаласида кексалар кўпинча адашганлари, киши мучалини ё битта олдинга, ё битта ортга суриб юборганлари (яъни ит мучалида туғилганни товук, товук мучалида туғилганни ит деб – *Д.К.*), шу масалада кўп баҳс-мунозаралар келиб чиққанига гувоҳ

бўлганмиз”. Шунга ўхшаш, масалан, “зилзила вақтида тўрт ёшда эди” дегани ҳам боланинг ёшини тақрибан аниқлашдир, яъни бунда ҳам бир йил-ярим йил фарқ эътиборга олинмайди. Шулардан келиб чиқилса, Фойиқа ая берган маълумот Чўлпон “тўғрилигини ўз имзоси билан тасдиқлаган” (Н. Каримов) фактни – санани инкор қилиш учун, бизнингча, етарли асос бўлолмайди.

Иккинчиси – устоз Фойиқа ая берган “маълумотнинг ишонарли ва айна ҳақиқат эканлигини Чўлпоннинг мучалдоши андижонлик шоир Улфат (Имодиддин Қосимов) ҳам тасдиқлаган” деб айтади. Улфат домладан “Баёни ҳол” номли шеърий автобиография қолган бўлиб, ундаги аниқ ва ишончли маълумот будир:

*Не деб, сўрасангизким, туғилган йилинг,
Тўққиз юз била бир минг олти, билинг.*

*Имодиддин отим, Қосим ўғлиман,
Менга Андижондир шарафлик ватан.*

Ўз-ўзидан аёнки, Улфат домла 1906 йили туғилган бўлса, Чўлпонга мучалдош бўлиши мумкин эмас. Унда мучалдошлик ҳақидаги гап қайдан келиб қолди? Фикримизча, буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: Улфат домла 1989 йилда вафот этганлар, у вақтларда эса, юқорида кўрганмиздек, Чўлпоннинг таваллуд санаси, асосан, 1893 ва баъзан 1894 йил деб кўрсатиб келинган. Яъни бу ҳолда ҳамшаҳар шоирлар ораларида бир мучал фарқ қилган ҳолда мучалдош бўлишлари мумкин бўлади. Фақат бу ҳолда уларнинг мучали “сак” – ит эмас, “асп” – от бўлур эди. Кўриниб турибдики, Улфат домла Фойиқа ая берган маълумотни тасдиқлаётгани йўқ, аксинча, буткул бошқа маълумотни айтиб, яъни уни инкор қилиб турибди.

Учинчиси – “Садои Туркистон” газетаси таҳририяти 1914 йил 18 апрель сонисида эълон қилинган “Туркистонли қардошларимизга” шеърига илова қилган маълумот. Унда шеър муаллифининг 15 ёшда эканлиги қайд этилган. Ҳолбуки, худди шу йили мазкур газетада Чўлпоннинг яна “Қурбони жаҳолат” ва “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикоялари, “Адабиёт надир” мақоласи; “Садои Фарғона” газетасида “Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик”, “Ватанимиз Туркистонда темир йўллар” каби мақолалари эълон қилинган; “Ойна”, “Шўро” журналлари, “Таржумон” ва “Вақт” газеталарида қатор чиқишлар қилган. Хуллас, шу йилнинг ўзида анчагина салмоқли ишлар қилинганки, улар ҳажми жиҳатидан ҳам, мазмун-моҳиятига кўра ҳам 15 ёшли ўсмирнинг иши эмас. Улардаги шакланган ижтимоий-ғоявий қараш, таҳлилий нигоҳ, мустақил позиция каттароқ ёшга хосдир. Шу билан бирга, таҳририят томонидан берилган маълумот ҳам тахмин мақомида, холос. Чунки, биринчидан, Чўлпон шеър қўлёзмасини таҳририятга қандай етказгани: почта орқалими ё Тошкент сафарига

отланган киши орқалими – маълум эмас. Иккинчидан, шеърга илова қилиб муаллифнинг ўзи ҳақида маълумот юборган-юбормагани ҳам қоронғу. Ўйлаб кўрилса, юбормагани ҳақиқатга яқинроқ. Зеро, агар аксинча бўлса эди, хат руҳи – худди аввалроқ Исмоилбейни мафтун этган мактуб каби – таҳририят ходимларини мафтун этган ва натижада у ҳам эълон қилинган ёки, жиллакурса, хатдаги гаплар эслатилган бўлиши керак эди. Сабаби, бу Чўлпоннинг таҳририятга биринчи мактуби, унда мукотиб ўзини тақдим этиши, яъни ўзининг ғойибона таниган маслакдошларига қалби ва ўйидагини очиб кўрсатиши, демакки, мактубнинг таҳририятни ўзига ром этиши табиий бўлур эди. Балки, ёшлар – Абдулҳамид ва М. Санжарбекка берилган таърифни худди уларни яқиндан таниган одам ёзгандек кўринар, бироқ ундай эмас, бундай таърифга Чўлпон юборган шеър матнининг ўзи ҳам етарли асос беради. Хуллас, айтиш мумкинки, шеър кўлёмасининг кишидан бериб юборилган бўлиши эҳтимоли ҳақиқатга яқинроқ, чунки агар почтадан юборилганида илова мактубнинг бўлиши заруратга айланар эди. Энди илова мактуб бўлмаган деган фикрда тўхтасак-да, яна хаёлга эрк берсак: шеърни омонат келтирган кишига “бу шоир ўзи ким, ёши нечада...” қабалида савол беришган бўлса, у ҳам “ҳа, бир толиби илм бола, ўн беш ёшларда бўлса керак” қабалида жавоб берган бўлиши ҳам эҳтимол. Тўғри, каминани “хаёлга эрк беришда” айблаш мумкин дир, лекин бундай бўлмаганини исботлашнинг иложи йўқ экан, бу хаёл ҳам бир эҳтимол сифатида яшашга ҳақли. Боз устига, модомики таҳририят маълумоти ҳужжатли асосга эга эмас экан, у ҳам мақомда шундай эҳтимоллардан бири, холос. Шундай экан, у ҳужжатли маълумот (1897 йил санаси – ҳужжатли)ни инкор қилиш учун асос бўлолмайди.

Тўртинчиси – “Садои Туркистон” газетасининг 1914 йил “24 сентябрь сонида андижонлик “16 ёшли талаба”нинг Исмоил Гаспринский вафоти муносабати билан ёзган шеъри босилган. Сўнгги байтдаги “Ҳамидий” тахаллуси шеърнинг Абдулҳамид Чўлпонга мансуб эканлигидан далолат беради. Ва бу факт унинг 1898 йилда туғилганлигини кўрсатади”(2). Аввало, сўнгги байтдаги “Ҳамидий” тахаллуси шеърнинг Чўлпон қаламига мансублигига далил бўлолмайди, чунки ўша вақтлар Андижонда ундан бошқа ҳам Ҳамид, Абдулҳамид, Ҳамидулло отлиғлар кўп бўлгани, улардан бирортасининг шеър машқ қилганию “Ҳамидий” тахаллусини хуш кўрган бўлиши мумкинлиги эҳтимолини истисно этиб бўлмайди. Шунингдек, шеър ёзиб юрган талаба исмига боғламаса ҳам бошқа ваз билан, борингки, ҳушжаранг туюлганидан айни тахаллусни танлаган бўлса не ажаб?! Хуллас, нима бўлганда ҳам шеърига “16 ёшли талаба” деб имзо қўйган Ҳамидийнинг Чўлпон эканлигига ишониш қийин. Ахир илк ҳикояларини “Абдулҳамид Сулаймоний” деб имзолаган, кейинча – 1914 йил апрель ойи охирларидан бошлабоқ ёзганларига “Чўлпон” деб имзо

қўйишни бошлаган бўлса – нега энди сентябрь ойига бориб биргина шеърда “Ҳамидий” тахаллусини келтириши керак? Боз устига, Чўлпоннинг бундан кейин ёзган шеърларида ҳам ушбу тахаллус умуман учрамайди. Шулардан келиб чиқиб, Ҳамидий тахаллусини қўллаган шоир бутунлай бошқа одам бўлиши ҳам мумкин деган тўхтамага келамиз. Мисол учун олсак, ўша давр матбуотида андижонлик Шамсиддин Муҳаммадрасулзода исмли бир шоир қатнашиб турган. Жумладан, унинг “Фарғона саҳифаси” номли “ҳар кун чиқадурғон сиёсий, адабий, халқ фойдаси йўлига юрадирғон ғазита”нинг 1917 йил 15 апрель сонидан эълон қилинган шеъри:

*Ҳамидийдур илма қадам қўён одам,
Чирмов каби бир бўлишга чирмашайлик –*

мисралари билан якунланади. Тўғри, ҳозирча шоирнинг тўрттагина шеъри қўлимизда, шулардан биттасида “Ҳамидий” тахаллуси ишлатилган, холос. Фақат шуниси борки, шеърларнинг ҳаммаси маърифатчилик руҳида, илм-маърифатга даъват мазмунида бўлиш билан бирга, бир неча ўрнида муаллиф талаба эканига ишоратлар бор. Яъни маърифатпарвар инсон¹ сифатида унинг маърифатчилик ҳаракати раҳнамоси Исмоил Ғаспирали вафоти муносабати билан марсия ёзган бўлиш эҳтимоли йўқ эмас. Хуллас, айтганларимиз ўша марсияни Шамсиддин Муҳаммадрасулзода ёзган деган хулоса чиқариш учун камлик қилиши мумкин, бироқ Ҳамидий – Чўлпон эмас дея таъкидлаш учун, фикримизча, етарли кўринади.

Бешинчиси – хотиралар. Аввало, хотира – ўз номи билан хотира-да, кундалик эмас. Яъни илгари бўлиб ўтган воқеаларни эслашда хронологик аниқлик ҳам, тафсилотлар ҳаққонийлиги ҳам юз фоиз бўлмайди, бўлиши мумкин ҳам эмас. Зеро, ўтмиш воқеаларини ёритишга субъектив омил аралашади: хотиранавис ўтмишни нафақат эслайди, уни қайта идрок қилади, баҳолайди, муайян даражда қайта яратади ҳам – хотирада субъектив омил салмоқли келади. Яна бир жиҳати, хотира объектидан узоқлашилган сари субъективлик ҳам мос равишда ортиб бораверади. Хуллас, хотирани бешак ҳақиқат, ишончли далил, факт ўлароқ қабул қилганда бироз хушёрроқ бўлингани маъкул.

Н. Каримов “Чўлпонни яхши билган замондошларидан бири” атоқли маърифатчи Мўминжон Муҳаммаджонов хотираларига ҳам таянади. М. Муҳаммаджонов “Турмуш уринишлари” номли роман-хотирасида Чўлпон билан илк бор 1916 йилнинг кузида кўришганини эслайди-да, ўшанда: “У ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамасидаги, оқ чўтир, барвастандан келган бир йигитча экан”, – деб ёзади(5, 130). Аввало, устознинг шу гапга асосланиб чиқарган “*Бу маълумот ҳам*

¹ Шамсиддин Расулзода (Муҳаммадрасулзода) чиндан маърифатпарвар, адабиёт ва санъатга меҳри баланд, ижодкор инсон бўлган. XX асрнинг 20-йилларида пиесалари Андижон театрида муваффақиятли сахналаштирилган, шеърлари билан матбуотда мунтазам қатнашиб турган. Афсуски, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳозиргача жиддий ўрганилган эмас.

“Чўлпон 1898 йилда таваллуд топган”, деган фикрни англатади”(2, 8) тарзидаги хулосаси у қадар ишонарли эмас. Негаки, хотиранавис “ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамасидаги” деяпти, бу эса “ҳақиқатда неча ёшда эканини билмайман-у, кўринишидан ўн етти-ўн саккиз ёшларда” деганидир. Яъни гап бораётган одам ҳақиқатда ўн олти ёшда ҳам, ўн тўққиз ёшда ҳам бўлиши мумкин, зеро, киши ёшини кўринишига қараб тусмоллаганда бир йил-ярим йил орттириб ё камайтириб айтиши одатий ҳол. Яна бир муҳим нуқта шуки, Чўлпон ҳақидаги хотира асарнинг 1926 йилдаги биринчи нашрида умуман йўқ(5), у 1964 ва 1969 йиллардаги нашрларга киритилган. Агар ушбу ўринлар матнга 1964 йилги нашрни тайёрлаш жараёнида киритилган десак, у ҳолда хотиранавис Чўлпон билан илк учрашувини эслаганида табаррук ёшда бўлиб чиқади. Хуллас, мазкур сабабларга кўра ушбу хотирани Чўлпоннинг таваллуд санасини белгилаш учун асос қилиб олиш, фикримизча, илмий жиҳатдан унчалик тўғри бўлмайди.

Устоз Н. Каримов “Водийнома”даги мақоласини шоир “туғилган санани 1897 йил эмас, балки 1898 йил деб белгиласак, Чўлпон учун энг азиз ва муқаддас нарса – Адолат ҳазратлари кечикиб бўлса-да тантана қилган бўлади” деган сўзлар билан яқунлайди. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда биз бунга зарурат йўқ, аксинча, таваллуд санасини ўзгартириш илмий жиҳатдан тўғри бўлмайди, демак, адолатга ҳам рост келмайди деб ҳисоблаймиз. Чўлпон ўзи қабул қилган ва у ҳаётлик вақтидаги ҳужжатларда акс этган 1897 йил таваллуд санаси сифатида эътироф этилиши керак. Зеро, ҳозирда буни тафтиш этишга ҳеч бир илмий зарурат ҳам, бу санани асосли инкор қила оладиган далиллар ҳам мавжуд эмас. Шундай экан, бу маълумот ҳали тўла оммалашиб кетмасидан, яъни барча ахборот, илмий ва таълимий манбаларга кўчиб улгурмасидан туриб масалага нуқта қўйиш зарур. Шундай қилинса, келгусидаги чалкашликлар, ўринсиз баҳсларнинг олди олинган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов Н. Чўлпон қачон туғилган? // Водийнома. 2018.- №1. –Б.94-95.
2. Каримов Н. Чўлпон. Маърифий роман. –Т.: Шарқ, 2003
3. Каримов Н. Чўлпон. –Т.: Фан, 1991.
4. Каримов Э. Олисидаги ёрқин юлдуз.// Фидоийлар. –Т.: Фан, 1990. –Б.17-23.
5. Мўминжон Муҳаммаджонов Тошқин. Турмуш урунишлари. –Т.: Мумтоз сўз, 2015.
6. Муҳаммаджонов М. Турмуш урунишлари. –Т.: Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1964.
7. Ҳаққулов И. Қалб ёлқини – сўнмас ёлқин // Чўлпон. Баҳорни соғиндим. –Т.: Юлдузча, 1989. –Б.3-10.
8. Шарафиддинов О. “Кулган бошқалардир, йиғлаган менман...” // Чўлпон. Яна олдим созимни. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. –Б.5-18.
9. Шарафиддинов О. Ижод йўли // Ёшлик. –1987.- № 10. –Б.49.
10. Шарафиддинов О. Чўлпоннинг ижодий йўли тўғрисида // Шарқ юлдузи. –1988.- № 2. –Б.58-63.